

2017

3 курс

2-3 курс


учуве

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД 5510400-3.24

2017 йил « 28 » 06



ОЛИНМАЙДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: " 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510400 – Стоматология

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2017 йил 21 июль "21" даги "21" -сонли буйруғининг 1-илоvasи билан
фон дастури рухсати тасдиқланган

Фон дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хўшар таълими йўналишлари
бўлими Аxbи услуқий бирлашмавар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгашининг 2017 йил 21 июль "21" даги "21" -сонли баённомаси билан
маъбул қилинган

Фон дастури Тошкент Давлат стоматология институтинда ишлаб чиқилди

Тузатувчилар:

Акбаров А.Н.

ТДСИ факультет ортопедик стоматология
кафедраси мудирини, т.ф.и., доцент

Ареланов О.У.

ТДСИ факультет ортопедик стоматология
кафедраси катта ўқитувчини, т.ф.и.

Алиева Н.М.

ТДСИ факультет ортопедик стоматология
кафедраси ассистентини, т.ф.и.

Тасриҳчилар:

Хабиялов И.Д.

ТДСИ госпитал ортопедик стоматология
кафедраси мудирини, профессор, т.ф.и.

Алимов А.С.

ТДМОН 1-сонли стоматология кафедраси
мудирини, т.ф.и., профессор

Фон дастури Тошкент давлат стоматология институт Кенгашида кўриб
чиқилган ва тасдиқ қилинган (2017 йил "21" Олрелдаги "10" -сонли
баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалавр таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тadbик этиб талабани назарий маълумотидан бошлангич амалий кўникмаларни тadbик этиб талабани назарий маълумотидан бошлангич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар оркали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Дастурнинг мақсад ва вазифаларини ечими якунида талаба горизонтал ва вертикал интеграция жараёнларида олган билим ва амалий кўникмаларни клиник уйғунлаштириб, етук, рақобатдош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт стоматологи бўлиб шакилланади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган услубларни замонавий педагогик технологиялар оркали, яъни тиш қаттиқ тўқима ва тиш қаторлари нуксонларининг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизмлари, клиникалари, ташхис ва киёсий ташхислари ва даволаш усуллари ҳамда уларни олдини олиш чоратadbирларини ўргата бориш ва шакллантиришдан иборат.

Фанни вазифаси - фанининг бўлимларига тегишли билимлар билан талабаларни босқичма-босқич таништира бориш, ўргата бориш ва кўникмаларни ҳосил қилиш; янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тadbик этиб, талабани клиник фикрлаш қобилиятини ўстириш ва билимини сақлаш даражасини ошириш; талабанинг клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган стандартга мос амалий кўникмаларни ассистент-талаба, талаба-фантом услубида автоматизм даражасига етказиш; фан соҳасига таълуқли тиш қаттиқ тўқима ва тиш қаторлари нуксонларининг ташхиси ва киёсий ташхиси босқичларини, даволаш ва профилактика усулларининг зарурий жиҳатлари тўғрисида маълумот бериш.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

Тиш тож қисмининг қаттиқ тукимаси нуксонида унинг чарҳлаш асосларини; хар хил турдаги сунъий қопламаларга тишнинг чарҳлаш асосларини;

- тиш тожи қисман ва бағомом нуқсонли шифтли конструкциясига илдиз қисмини тайёрлаш ва мумин композициясини шакллантириш *тасавурга эга бўлиши*;
- тиш қаторлари кичик нуқсонларида кўприксимон протезлаш учун таянч тишларни чархлаш мезолиши;
- ҳар хил турдаги қолли олин асосларини;
- тиш қаторларининг ўрта ва қатта нуқсонларида беморни объектив текшириш усулларини асосини мослаштириши билиши керак;
- замонавий стоматологик ускунада ишланиш;
- ҳар хил турдаги сунъий қошамалар учун тишни чархлаш асослари *билиш ва улардан фойдалана олиш*;
- тиш тожи қисман ва бағомом смирилганда илдизга узакли конструкциясини тайёрлаш;
- бемор оғзидан анатомик, функционал, икки қаватли, ёрдамчи қолипларни олиш асосларини билиши керак;
- ҳар хил клиник кўринишда марказий окклюзия ва тишлов баландлигини аниқлаш асосларини тасвирлаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Мутахассисликка кириш. Ортопедик стоматология хонасини ташкил этиш.

Мутахассисликка кириш. Фаннинг қисқача тарихи, вазифалари, назарий ва амалий тиббиётда тутган ўрни. Фаннинг бошқа тиббий фанлар таракқиётидаги роли. Тиш врачлиги ва стоматологиянинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистонда стоматология мактабининг яратилиши. Факультет ортопедик стоматология кафедра структураси билан танишиш. Факультет ортопедик стоматология фанини мақсад ва вазифалари.

Ортопедик клиника олдида турган асосий вазифалар, стоматологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ҳисобланади.

2-мавзу. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган асбоб-ускуналар.

Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган асбоб ва ускуналар турлари. Стоматологик асбоб ускуналарни ишга тайёрлаш. Беморларни бирламчи кўрикка тиш протезларини тайёрлаш этапига ишлатиладиган асбоблар мажмуи экспертиза ва протез ишлаб чиқариш босқичлари ҳақида воситалар мажмуи. Турбинали паканечниклар, микромоторлар сув-хаво совитиш тизими, сўлак тортиқлар ва бошқалар билан ишлашнинг ўзига хослик

механизмлари тузулишини ва ишлаш қоидалари билан танишиб чиқиш. Врач ва ассистент билан "4 қўл" билан ишлаш ҳақида маълумот олиш. Хавфсизлик қоидалари.

3-мавзу. Тиш-жағ тизимининг анатомо-физиологик ўзига хосликлари.

Тиш-жағ тизимининг анатомо-физиологик ўзига хосликлари; юкори ва пастки жағ альвеолар ўсиқлари; чайнов аппарати скелети; тиш ёйи шакллари; тиш ва тиш қаторлари; тиш қаторлари барқарорлигини таъминловчи факторлар. Альвеоляр ва базал тиш ёйи ҳақида тушунча. Окклюзион эгрилик ва окклюзион юза. Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси. Пародонт тузулишининг анатомо-функционал ўзига хослиги. Чайнов ва мимика мушаклари. Чайнов-нутк аппарати чайнаш, нафас олиш, товуш хосил қилиш ва нутқда иштирок этувчи, ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир этувчи тизим ва алоҳида аъзолар йиғиндисидир.

4-мавзу. Чакка пастки жағ бўғими.

Чакка пастки жағ бўғими тузулишининг ўзига хос хусусиятлари. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини тузулиши. Тиш-жағ тизими аъзоларининг ўзаро боғлиқлиги. Чайнаш пайтида пастки жағ ҳаракатининг турли босқичлари. Абсолют чайнаш кучи. Чайнаш босими. Артикуляция ва окклюзия, унинг турлари. Окклюзия турлари: марказий, ён, олд. Уч-нуктали алоқа тушунчаси. Чакка-пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) пастки жағни чакка суяги билан бирлашишини амалга оширади. Чакка пастки жағ бўғимининг ўзига хослиги, бириккан юзани номувофиклиги ва бўғим дискининг мавжудлиги ҳисобланади. Пастки жағ бошчаси, пастки жағ чуқури ва чакка суяги бўғим бўртиғидан хосил бўлган.

5-мавзу. Юкори ва пастки жағ тиш қаторларининг ўзаро боғлиқлиги.

Тиш жипслашуви. Прикус турлари. Физиологик ва патологик прикус белгилари. Талабаларда прикус турини аниқлаш. Прикуснинг барча шакллари нормал (физиологик) ва аномал (патологик) турларга бўлинади. (В.Н.Трезубов).

6-мавзу. Ортопедик стоматология клиникасида ишлатиладиган қўшимча текшириш усуллари.

Инструментал текшириш усуллари (термометрия, электрометрия, гальванометрия, ЛДФ, реография, фотоплетисмография, полиарография, эхоостеометрия, Рн-метрия, рентгенография ва бошқалар) *Стоматоскопия* -

бевосита асбоблар билан тишлар ва шиллик қаватни катталаштириб, кўриқдан ўтказиш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ортопедик стоматологик хонани ташкил қилиниши билан танишиш. Врач-стоматологнинг иш жойини ташкиллаштиришдаги эргономик асослар.
2. Тиш жағ тизимининг протезлашда ахамиятга эга булган анатомио физиологик хусусиятлари.
3. Чакка – пастки жағ бўғимининг (ЧПЖБ) тузилиш хусусиятлари.
4. Ортопедик стоматология клиникасида беморларни асосий текшириш усуллари.
5. Ортопедик стоматология клиникасида беморларни кўшимча махсус текшириш усуллар ёрдами билан текшириш.
6. Чайнаш босимини ва чайнаш самарадорлигини аниқлаш усуллари. Гнатодинамометрия.
7. Стоматологик ташхис (диагноз) қўйиш. Тиш қаторлари дефектларининг турлари.
8. Юқори ва пастки жағ тишларининг анатомик шакилларини мумдан ясаш (моделлаштириш).
9. Ортопедик стоматологияда қўлланиладиган хом – ашёлар.
10. Цирконий диоксид, керамерлар. Ортопедик стоматология клиникасида қўлланиладиган пластмассалар ва уларнинг турлари.
11. Қолип олувчи хом – ашёлар. Қолип олувчи хом – ашёларнинг таснифи.
12. Тиш тож қисмини қисман емирилиши (Унинг этиологияси, патогенези ва клиник кўриниши).
13. Тишлар анатомияси, гистологияси ва биофизикаси.
14. Тиш каттик тўқимасини чархлаш. Чархлаш услуби, тартиби, хаво-сув совутиш тизими.
15. Қолиплар ва жағлар моделлари. Қолипга булган талаблар.
16. Қистирмалар тайёрлашнинг клиник-лаборатор босқичлари.
17. Тиш тож қисмидаги нуқсонни сунъий қопламалар билан даволашга бўлган кўрсатмалар.
18. Тишларни каттик тўқимасини чархлаш.
19. Турли гуруҳ тишларни шакллантириш асослари.
20. Қопламаларни оғизда чархланган табиий тишларга ўлчаб кўриш.
21. Яхлит қуйма ва аралаш қопламалар.

22. Металлокерамик копламаларни тайёрлашнинг клиник-лаборатория боскичларини намоёниш этиш.
23. Тишнинг бутун тож қисми йўқотилганининг клиникаси ва бунда ортопедик даволашга кўрсатмалар.
24. Кўп илдизли тишларнинг тож қисмининг тўлик емирилиши.
25. Тишларнинг қисман нуқсонини протезлашга тайёргарлик ва унинг клиник ҳолати.
26. Оғиз бўшлиғи тишларининг қисман нуқсонини протезлашга махсус тайёрлаш.
27. Кўприксимон протезларни тайёрлаш учун таянч тишларни танлаш.
28. Кавшарланган кўприксимон протезларни тайёрланишининг клиник-лаборатор боскичлари.
29. Қуйма куприксимон протезлар, тайёрлашнинг клиник-лаборатор боскичлари.
30. Комбинирланган куприксимон протезлар.
31. Комбинирланган куприксимон протезлар.
32. Куприксимон протезларни топшириш.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- Тиш каттик тўқимасининг ва тиш қаторлининг нуқсонларининг *барча клиник турларида касаллик тарихини ёзиш ва ҳимоя қилиш*;

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар
 Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар
 Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Тиш тож киемини киеман зарарланиши. Унинг этиологияси, патогенези ва клиник кўриниши.
2. Огиз бўшлигини протезлашга комплекс тайёрлаш. Беморни ортопедик стоматологик муолажалар утказиш олдида психотерапевтик тайёрлаш.
3. Фронтал курак тишларнинг функционал хусусиятлари. Тиш каттик тўкимасини чархлашга пародонт тўкимасига таъсири.
4. Тиш каттик тўкимасини чархлаш услублари. Тишнинг буйин соҳасида зинапоя хосил килиш услублари. Зина пая турлари.
5. Қолип олувчи материалларнинг таснифи. Қолип олувчи материалларга бўлган талаблар.
6. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатадиган металл қотишмалар тури. Қистирмаларнинг тайёрлашда учрайдиган хато ва камчиликлар тури ва ўларнинг бартараф этиш усуллари.
7. Қистирма тайёрлаш учун кулландиган ҳам ашёлар, ёруғликда қотувчи композитларни таркибий тузилиши, унинг хоссаси. ТЧЮПИга қараб қистирмаларнинг мум ёрдамида тайёрлаш босқичлари.
8. Метал қотишмаси: зангламас пулат, кобальт хром ва никель хром қотишмалари. Чинни, унинг физик, кимёви ва технологик хоссаси. Пластмасса тури, унинг физик, кимёви ва технологик хоссаси.
9. Сунъий қопламалар таснифи, уларнинг тайёрлашда ишлатиладиган замонавий ҳам ашёларнинг хоссалари. Милк эгатиға кириб туриш чуқурлигини, тегиб туриш нуқталарини.
10. Тишларни қаттик тўкимасини чархлаш мезонлари. Чархлаш учун ишлатиладиган асбоблар. Уларга бўлган талаблар.
11. Металл қопламаларни тайёрлашнинг лаборатория босқичлари. Қопламаларни эзиб тайёрлаш турлари (штамповка турлари). Эзиб тайёрлашда ишлатиладиган асбоб ускуналар.
12. Оқартирувчи ва пардозловчи ҳам ашёлар, уларнинг хусусиятлари. Металл қопламаларни оқартириш ва охирги ишлови. Қопламаларни пардозлаш сифатини баҳолаш.
13. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган пластмассаларнинг таркибий тузилиши, хоссаси ва турлари.
14. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган чинни, унинг хоссаси, пишириш услуби ва асбоб ускунаси.
15. Ярим қопламалар, экваториал қопламалар ва аралаш қопламаларни тузилиши, уларга бўлган талаблар ва курсатмалар.
16. Замонавий металлчинни қопламалар, фарфордан тайёрланган винирлар, уларнинг тайёрлаш услублари.

17. Қопламаларни тайёрлаш клиник-лаборатор босқичларида йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликлар ҳамда улардан келиб чиқадиган асоратлар.
 18. Тиш қаторлари қисман адентияси тасни.
 19. Кеннеди бўйича тишларни қисман йўқ беморларни текшириш: оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг анатомик хусусиятлари, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини қон билан таъминланиши ва иннервацияси.
 20. Тиш парадонтининг чидамлилиги илгаклар тайёрланадиган металл қотишмалар таянч қопламаларга кўрсатмалар, мумли асос ва тишлов ёстикчаларига бўлган талаблар.
 21. Сунъий тиш турлари ва уларнинг хусусиятлари.
 22. Симдан эгиб тайёрланган илгакларга бўлган талаблар. Ушлаб турувчи илгакларнинг таянч тишга ва альвеоляр ўсимтага нисбатан жойлашуви
 23. Юқори ва пастки жағларда олиб қўйиладиган протез асосини чегарасини аниқлаш.
 24. Марказий окклюзияни аниқлашдаги хатоликлар.
 25. Протез асоси пласмассаларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини дискриминацион сезгирлиги тушунчаси.
 26. Стоматологияда галванопластика ва инерт газлар билан базис пластинкасини ион билан бомбардимонлаш тест назорати.
 27. Ёйли протезлар билан даволашга кўрсатмалар. Юқори ва пастки жағда ёйсимон протезлар асосини чегаралари
 28. Тиш қаторларининг нуқсонини Гаврилов, Грозовский ва Оксман бўйича таснифи.
 29. Таянч ушлаб турувчи илмоқнинг таянч қисми учун окклюзион юзасидан жой чархлаш, таянч-ушлаб турувчи илмоқларнинг турлари ва улардан фойдаланиш усуллари.
 30. Тиш экватори хақида тушунча ва уни оралик чизикдан фарқлаш, параллелометрнинг ишлаш принципи.
- Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.
- Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
 - таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
 - махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
 - Янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни

- ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- масофавий (дистанцион) таълим.

Шунингдек талабанинг мустақил иши бўлиб:

- беморлар курацияси, профилактик кўрик, беморларни диспансерлаш, касаллик тарихини ёзиш ва олиб бориш;
- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштрок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- фанни фаол ўзлаштиришда талабаларни олимпиада, танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштрок этиш.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари
Асосий адабиётлар

1. Аболмасов Н. Г. Аболмасов Н. Н. Бычков В. А. Шамшурина В. Р. Замещение дефектов зубов и зубных рядов несъемными протезами. Смоленск, 1995г.
2. Жулев Е.Н. Несъемные протезы (Теория, клиника и лабораторная техника) Издательство НГМА, Нижний Новгород, 2000.
3. Жулев Е.Н. Несъемные протезы Н. Новгород, Изд-во НГМА, 1995г.
4. Ирошникова Е. С. Шевченко В. И. Параллелометрия в ортопедической стоматологии. М., Медицина, 1989г.
5. Копейкин В. Н. Ошибки в ортопедической стоматологии. М. Медицина, 1986 г.
6. Ортопедик стоматология пропедевтикаси Ирсалиев Х.И., Рахмонов Х.Ш., Хабилов Н.Л., Сафаров М.Т., Рахматуллаев Ф.Т. Т.2006
7. Ирсалиев Х.И., Нигматов Р.Н., Хабилов Н.Л. Ортопедик стоматологияси. 2011.
8. Fundamentals of Fixed Prosthodontics, Herbert Shillingburg, USA, 2012

Кўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. 2017й, 104 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. 2017й, 488 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. 2016 й, 56 бет, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O'zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи.
4. McCracken's “Removable Partial Prosthodontics” 12 edition, Canada, 2010
5. “Prosthodontic Treatment for Edentulous Patients. George A. Zarb. 2013
6. Абакаров С. И. Современные конструкции несъемных зубных протезов М., Высшая школа, 1994г.
7. Каламкаров Х. А. Ортопедическое лечение с применением металлокерамических протезов. Изд-во «Медиа-Сфера», 1996г.
8. Миргазизов М.З. Гюнер В. Э. Итин В.И, Монасевич Л. А. Сысолятин П. К. Староха А. В. Сверхэластические имплантаты и конструкции из сплавов с памятью формы в стоматологии Изд-во «Квинтэссенция», М., 1997г.
9. Жулев Е.Н. Частичные съемные протезы (Теория, клиника и лабораторная техника) Издательство НГМА, Нижний Новгород, 2000.
10. Петрикас А. Ж. “Обезболивание зубов Тверь, 1997г.
11. Под редакцией проф. Э.М. Кузьминой Профилактика стоматологических заболеваний. М. 1997.
12. Семенюк В.М., Вагнер В.Д., Онгоев П.А. Стоматология ортопедическая в вопросах и ответах. М.2000.
13. Суров О. Н. Зубное протезирование на имплантатах. М., Медицина, 1993г.,
14. Хватова В.А. Функциональная окклюзия в норме и патологии. М. Медицина-1993г.
15. Хватова В. А. Диагностика и лечение нарушений функциональной окклюзии Н. Новгород, Изд-во НГМА, 1996г.
16. Шварц А. Д. Биомеханика и окклюзия зубов М., Медицина, 1994г.
17. Эрнст А. Хегенбарт Восстановление цвета в керамике: практическое руководство Изд-во «Квинтэссенция», 1993г.